

Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#18 24.02/2012

ЎХХ МУАССИСЛАР МАЖЛИСИНING БАЁНОТИ



Расмий хабарларга кўра, шу йилнинг 22 февраль куни, номаълум шахс Ўзбекистонлик таниқли уламо Обидхон қори Назаровга, у яшаб турган Швециянинг Стромсунд шаҳрида ўқ узиб оғир яралаган.

Обидхон қори И.Каримов диктатурасига мухолиф имом сифатида танилгандир.

Шунинг учун ҳам унга Швеция киролиги сиёсий бошпана берган эди. Обидхон қори Ҳаракатимизга аъзо бўлмаган, лекин, имом сарой уламоларидан фарқли ўларок эркинлик, адолат ва ҳақиқат тарафдори эди ва Ислоҳ Каримов режимига қарши танқидий фикрлари билан танилганди. Ўтган йили Каримов режими ЎХХнинг Русиядаги вакили Фуад Шокирийга суиқасд уюштирди ва уни ўлдирди. Ҳаракатимизнинг хориждаги аъзолари, уларнинг Ўзбекистондаги қариндош уруғларига тазйиқ ва шантаж икки қарра ортди. Бу вазиятда Таниқли уламо Обидхон қорига қилинган суиқасдда ҳам Каримов диктатурасининг қўли борлиги эҳтимоли катта деб биламиз. Каримовнинг Ўзбекистон халқига ва унинг ҳақиқий фарзандлари бўлган ЎХХ вакилларига қилаётган фитна ва қотилликларига қарамай Ҳаракатимиз ўз фаолиятини янада кучайтиради. Биз ўз курашимизни Ўзбекистондаги мустабид режим тугатибли, унинг ўрнига адолатли ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятига қурилганга қадар давом эттираверамиз. Ҳурматли Обидхон қорига Аллоҳ Таолодан шифо, оиласига сабр матонат тилаймиз. Ҳаракатдаги сафдошларимизнинг ва хайрихоҳларимизнинг адолат учун курашда янада матонатли бўлишларига даъват этамиз. Чунки, Ўзбекистонда ишлаб турган зулм машинаси тўхтатилмас экан, бу машина элнинг асл фарзандларини бирин кетин қурбон этишда давом этаверади.

ЎХХ Муассислар Мажлиси

ШВЕЦИЯДА ОБИД ҚОРИ НАЗАРОВГА ЎҚ ОТИЛДИ



Таниқли ўзбек имоми Обид қори Назаров Швециянинг Стромсунд шаҳрида хужумга учра-ди номаълум шахс унга қараб бир нечабор ўт очган ва яширинган, жабрланувчининг аҳволи оғир ва барқарор дея баҳоланмоқда. Обид қори Назаров 22 феврал куни тахминан соат 12 ларда, тушки намоздан кейин уйига қайтаётганида отиш юз берган. Унинг яқин из-дошларидан бирининг сўзларига кўра, номаълум шахс унинг Стром-сунддаги уйи яқинидаги муюлишда кутиб турган ва у етарли даражада яқин келганидан кейин унга қарата ота бошлаган. Яраланган Назаров ёрдамга чақириб, қаттиқ кичкира бошлаган, унинг овозига набираси етиб келган, хужум қилган шахс эса шошилишча яширинган. Кейинчалик полиция яқин бекатлардан бири ёнидан, Назаров отилгани гумон қилинаётган тўппонча глушителени (овоз сўндиргичи) топган. Назаров шифохонага етказилган, у ерда жарроҳлик амалиётини кечирган. Унинг издоши, аҳволи оғир, бироқ барқарор тарзда эканини айтмоқда. У Назаровни ким отган-лигини билмайди, қандайдир тахминларни илгари суришдан ўзини тияди.

(Давоми кейинги бетда)

СУИҚАСДЧИ ЖИДДИЙ ТЕРГОВ ҚИЛИНИШИ КЕРАК



“Швецияда қувғинда яшаб келган ўзбек ҳукумати мухолифининг ўққа тутилгани ҳақидаги хабар жуда хавотирлидир”, - дея баён қилди немис депутати. Обид қори Назаров 22 феврал куни соат 12 лар атрофида намоздан уйига қайтаётганида уни ўз подъезди олдида кутиб турган номаълум киши яқин масофадан туриб ўққа тутган. Назаровнинг жарроҳлик амалиётини бошидан кечиргани ва ҳозирда аҳволи оғир экани айтилади. “Обид қори Назаровга нисбатан суиқасднинг барча тафсилотлари ҳозирча бизга аён эмас, лекин сентябр ойида Россияда Фуад Рустамхўжаевнинг ўлдирилиши ортидан рўй берган бу ҳодисани швед ҳуқумти синчиковлик билан тергов қилиши ва унинг ортидаги эҳтимолий сиёсий мотивларни ўрганиши керак. Агар бу ишга ўзбек махсус ҳизматларининг алоқадорлиги аниқланса Европа Иттифоқи бунга муносиб сиёсий жавоб қилиши лозим бўлади, - деб таъкидлади Виола Фон Крамон. Таниқли имом 2006 йилдан бери Швецияда яшаб келади. Президент Ислоҳ Каримовнинг ашаддий душманларидан ва ўзбек маъмуриятининг энг таниқли танқидчиларидан бири бўлган имомга расмий Стокгольм сиёсий бошпана берган. Ўзбекистон ҳукумати Обидхон қори Назаровни “Ваҳобийлик” диний-сиёсий оқимининг Ўрта Осиёдаги раҳнамоларидан бири сифатида кўради. У Тошкентда ўтган 10 йил ичида амалга оширилган қатор қотилликлар ва хужумлар ортидан турганликда айбланган. 54 ёшли Обид қори Назаров бу айбловларни тўлиқ инкор қилиб келади.

ШВЕЦИЯДА ОБИД ҚОРИ НАЗАРОВГА ЎҚ ОТИЛДИ

(Давоми боши 1-бетда)

Назаровнинг бошқа сафдошлари, унинг ҳозирги соғлиғи ҳақида ҳеч нарса маълум эмаслигини, швед полицияси юз берган воқеа ҳақида ҳеч нарса тарқатмасликни тавсия қилганини билдиришди. 2006 йилдан Швецияда яшаётган Обид қори Назаров, Ўзбекистон расмий ҳукумати томонидан президент Ислом Каримов ва унинг режимига ашаддий душман бўлган шахс ҳисобланади.

Тошкент уни диний экстремистик ташкилот тузишда ва раҳбарлик қилишда, кейинги ўн йилдан зиёд вақт давомида юз берган Ўзбекистон ҳудудидаги қатор теракт ва бошқа жиноятларнинг, жумладан одамларга қилинган ҳужум ва қотилликларда айблаб келади.

Назаровнинг ўзи, диний фаолиятини унинг талабларига бўйсунмасдан қургани учун диктатор Каримов режимининг жабрдийдаси бўлганини айтиб, ушбу айбловларни инкор этиб келган.

“Биз, журналистлар каби сўз эркинлиги учун жабрландик”, - деди Назаров 2007 йили Uznews.netга берган интервьюсида.

Швециядан сиёсий қочқинлик мақоми олгунига қадар 2006 йилгача у бир неча йил Қозоғистонда яшириниб юрган. У 2005 йилнинг кузида Қозоғистон махсус хизмати унинг бир қанча маслакдошларини, жумладан, яна бир машхур имом Рухиддин Фаҳриддиновни тутиб, Ўзбекистонга берганидан кейин у ердан қочишга мажбур бўлган. Бироқ ҳатто Швецияда яшаб ҳам, Назаров ҳеч қачон ўзини ҳавфсиз ҳис қилмаган. Унинг атрофидагилар бошқаларга унинг қаерда яшашини билдирмасликка интилишади, кейинги беш йил ичида у бир неча бор, бир шаҳардан бошқасига кўчган. Назаров ҳаётига таҳдиддан чўчиб, у ҳамиша яқин аъёнлари қуршовида бўлган, суиқасд бўлган куни, унинг ёлғиз бўлиши - камдан кам ҳолат эди, дейди унинг издошларидан бири.

ТАНИҚЛИ УЛАМО ОБИД ҚОРИ НАЗАРОВГА СУИҚАСД УЮШТИРИЛДИ

Хабарларга кўра, Швециянинг Стромсунд шаҳридаги уйи олдида отиб кетилган Обид қори Назаров оғир аҳволда шифохонада қолмоқда 2 феврал куни Швециянинг Стромсунд шаҳрида, маҳаллий вақт билан соат 13:40 ларда таниқли уламо Обид қори Назаровга ўз уйи подъездида суиқасд уюштирилди. Маҳаллий швед матбуотида кўра, аввалига отишма овозини ёш болалар эшитиб югуриб келишган. Полиция воқеа жойидан ўқ отар кўрол топилганини айтмоқда. Обид қори Назаров яшаган кўп қаватли уйнинг атрофи дарҳол полиция томонидан ўраб олинган, жиноятчи излари искович итлар ёрдамида қидирилган. Озодликка исми сир қолиши шарти билан сўзлаган манбага кўра, номаълум шахс Обид қорига 3 ёки 5 бора ўқ узган ва воқеа жойидан ғойиб бўлган.

Натижада, имом оғир аҳволда Остерсунд шифохонасига етказилган ва мураккаб жарроҳлик амалиётдан ўтказилган.

Шифохонанинг Тез тиббий ёрдам бўлими ходимлари мустақил манба хабарини қисман тасдиқлади.

Яъни расмий маълумотларга кўра, Обидхон Назаров исмли бемор 22 феврал куни тушдан кейин шифохонага келтирилган ва айна дамба ҳам шифохонада қолмоқда. Лекин шифохона ходимлари беморнинг аҳволига оид бирорта маълумот берилмаслигини айтди. Айна пайтда маҳаллий матбуотда Обидхон қорининг Умеодаги шифохонага олиб кетилгани ва унинг ҳаёт учун хавfli аҳволда қолаётгани айтилмоқда.

Бироқ ўз манбамиз берган хабарга кўра, амалиёт яхши ўтган.

- Операция ҳозиргина тугади, яхши чиқдилар. Иншоллох, соғайиб кетарлар, дуо қиляпмиз, - дейди бу манба.

Айна кезде Обид қори Назаровнинг оила-аъзолари ва яқинлари билан боғланишнинг имкони бўлмапти. Маҳаллий матбуотга кўра, Обидхон қори Назаров истиқомат қилаётган ҳудуд швед полицияси ва махсус хизматлари ходимларининг қаттиқ назорати остида қолаётганини айтмоқда.

Ўзбекистонда қидирувда

Ўзбекистон Махсус хизматлари ўз даврида диний-маърифий мавзудаги маърузалари ва Қуръон қироати билан Ўзбекистонга танилган Обид қори Назаровни “Ваҳхобийлик” диний окимининг мамлакатдаги етакчиси сифатида айблаган.

Айна кезде Швецияда қолаётган уламо бу айбловларни тўлиқ инкор қилиб келади.

Обид қори Назаров таниқли уламо бўлиш билан бирга

Ўзбекистон режимининг ашаддий танқидчиларидан биридир. Шу боис, у Ўзбекистонни тарк этганидан сўнг ҳам унинг шахсига нисбатан айблов руҳидаги телекўрсатувлар расмий телевидение томонидан бот-бот тақдим этиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги ва хориждаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар кузатувларига кўра, ханузга қадар мамлакатда диний мотивлар асосида ўтаётган маҳкамаларда унинг номи ашаддий жиноятчи сифатида тилга олинмоқда ва кўплаб диндор судланувчиларга бу уламога эргашганлик айби қўйилмоқда.

1997 йилдан буён Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати таъқиби ва таъйиқлари остида қолаётган уламанинг 6 фарзанди бор ва унинг тўнғич фарзанди Хусниддин Назаров 2004 йил 16 май куни ўғирлаб кетилган.

Обид қори Назаровнинг ўзи бу жиноят ортида Ўзбекистон МХХси турганини тахмин қилади.

Бу муҳожиратда яшаётган ўзбекистонлик сиёсий ва диний арбобларга уюштирилаётган биринчи суиқасд эмас. 2011 йилнинг 24 сентябрида Россиядаги уйи олдида отиб кетилган таниқли диндор Фуад Рустамхўжаевга уюштирилган суиқасддир.

Фуад Рустамхўжаев суиқасд натижасида оламдан ўтган эди.

Қочқинлик

Обидхон қори Назаров Ўзбекистон махсус хизматлари таъқиби остида 1998 йилнинг баҳорида ўз уйини тарк этган.

2000 йилда қўшни Қозоғистонга ўтиб, у ерда 2006 йил баҳорига қадар яширин ҳаёт кечирган эди. 2006 йилнинг мартда БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги томонидан қочқин, деб тан олинган ва Швециядан сиёсий бошпана олган эди. Ҳозир 54 ёшга кирган Обидхон қори Собитхон ўғли асли наманганлик. 1980-1984 йилларда Обидхон қори Тошкент Ислом олий маъҳадида таълим олган.

1985-1990-йиллари Тошкентдаги “Тиллашайх” жомеъ масжидида имом ноиб, 1990-1996-йилларда эса “Тўхтабой” жомеъ масжидида имом-хатиб сифатида фаолият юритган. Шунингдек, 1992-1998 йиллар давомида Обидхон қори “Озодлик” радиосининг диний дастурини олиб борган ва тингловчиларни Қуръони карим тафсири билан таништирган эди.

Озодлик Обид қори Назаровга уюштирилган суиқасд тафсилотларини ўрганишда давом этмоқда ва тез орада қўшимча тафсилотлардан сизни яна хабардор қилишга ҳаракат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУАММОЛАРИНИГ ЖАВОБГАРИ КАРИМОВДИР!



Ёзавери б чарчадим, нахотки Каримовдан илгари советларнинг улкан НЕП программасига В. И. Ленин асос солиб унинг вафотидан кейин бу улкан (Новой экономической политики (НЕП) 1921 йиллардан бери ривожлансаю, «халқ душмани» Сталин кўрган чоралардан дахшатли уруш кетаётган вақтларда ҳам қилт этиб ўчмаган электрнинг бугун бир асрча ўтиб, унинг бугун айнан киш совуғида туғриқхона ва шифохоналарда ҳам суткалаб ўчирилиши Каримовнинг душманлигимни ёки унинг халқимиздан атайин олаётган ўчимми? Қари Каримовни ота қилиб, унга ёш онасини бериб Каримовни танқид қилганларни ЕРАМАН деб юрган «аҳмоқлар бригадаси минглаб туғилаётган саволларнинг биттасига жавоб берсинлар, агар бундайлар Ўзбекистон МХХнинг сотиб арзимаган пулларига ўз халқини сотаётган сотқин бўлмасалар. Кутирган бу йилги срувқ натижасида ҳали дунёга келиб улгурмаган бечора ўзбекнинг чақалоқлари ўз ота ва оналарининг сайлаб ва яна бу етмагандай уларнинг кучоқ очиб қарсақларга кўмилаётган «ЮРТБОШИ» лари яратган «олий жаноб шароит» лардан бугун чақолоқлар жон таслим қилсаю, улгурмаганлари эса бу совуқдан «иккиёклама бронхит шамоллаш» сабабли уйларига бориб жон беришса? Бундай 20 йил бурун 25 миллион келадиған халқнинг бугун 50 миллионга етиб ўз юртида мустақиллик нашидасини суриб, фаровон ҳаёт кечирини керакмас эдимми? Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бу ғаройиб муаммо аслида қаердан келиб қолди? Нега бундай муаммо мамлакатларининг ночорликлари бизларнинг советлар умумий қозонга тушираётган таомларимиздан тўйиб фаровон яшаб келаётган мустақиллик мамлакатлари оч ёки электрсиз ва газсиз қолмадилар ва уларнинг раҳбарлари ва президентлари мустақилликнинг салбий томонларини бартараф қилиш учун Болтикўйи мамлакатлари Молдавия ва Арманистон каби республика раҳбарлари Ислом Каримов каби йўқ баҳоналарни излаб турли террористлар ва экстремистларни ўйлаб топиб қўл қовуштириб ўтирмадилар. Натижалар ёмон бўлмади бу

республикаларда энг биринчи бизда бошланган муаммо бу ишсизлик ва меҳнатга кам ҳақ тўлаш бўлса, уларда ҳам бундай проблемалар ресурсларнинг озлигига қарамай ишлабчиқариш ва қурилишни ривожлантиришга астойдил ва жиддий эътибор берганликлари учун ҳам ишсизлик муаммолари тўлалигича бартараф қилинди деса бўлади. Шу ерда Мустақилликнинг Миллатга нима берганига Ўзбекистонда эътибор қилинмади, аксинча Ислом Каримовнинг ўзбек миллатига бўлган қатта эътибори ўрнига унинг миллатимизга эътибори унинг тил учида айтилган ёлғон сўзлари билан уйғунлашиб борди ва булап ҳа демай унинг айёрона тадбирлари миллатга нисбатан ўзининг сурбетларча бошланган очик ва салбий натижаларини берабашлади. Масалан Миллий Хавфсизлик, дейилсада, бу Ўзбекистоннинг энг жисмонан ва рухий кучли ташкилот, ўзбек миллатнинг бошига тушадиган қулфатларини (масалан Ўш вокиалари) четда қолдириб, ўз кўлидан келишидан ўн марта кўп куч билан президентнинг шахсий манфаатларини ва унинг азиз терисини асраш билан овора бўлмоқдалар дейиш мумкин. Бу орада яқка шахс манфаатларини ҳимоя қилишда ўз халқи олдидаги минглаб қотилликларни амалга ошираётган қасамхўр диктаторни ҳимоя қилиш мақсадида ўз қуролсиз халқига қарши ўт очишдек улкан жиноятни муқаддас ва шарафли бурч деб ҳисоблаётган ўз фарзандларимизга нима дейиш керак? Халқни эзишда ички Ишлар Вазирликларининг қолаверса, республика Ҳарбий Кучларининг ичган қасамларини олсангиз, унда Миллатни алдаётган қаллоб Президент терисини халқ қазабидан асраш учун жонларини фидо қилишга қасамёд қилаётганларига нима дейиш мумкин? Шундай экан қани адолат ва қани кўпчилик манфаатига ён босиш каби демократик қадам ва мамлакат конституциясида ёзиб қўйилган моддаларидаги халқнинг иродасию, президентнинг бу Конституциясига риоя этаётгани деб баралла айтиш мумкин? Масалан Каримов урғулаб мақтаётган Конституциясидаги 128 моддасидан атиги биргина 2 нчи модданинг бир фойиз ишлаётгани ва унда ялқов ва бе писанд Каримовнинг бу моддага риоя қилганида эди, халқимиз бунчалик киш совуқлар азобларида яшамаган бўлар эди. Шунинг учун агар Ўзбекистонда ҳақиқат бўлганда эди Ислом Каримов аллақачонлар ўз вазифасига ишончсиз топилиб, минг афсусларким унга қарши ўзбек халқининг 20 йилда 20 марта импичментига тортилиб, у ўз лавозимдан аллақачонлар қувилиши лозим бўлган бўлар эди.


Ёдгор Турлибеков

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЖОСУСЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Диктатор Ислом Каримов ватанимизда ўрнатган тузумни бемалол жосуслик тузumi, дея ҳам аташ мумкин. Миллий Хавфсизлик Хизмати ва Ички Ишлар Органларининг асосий вазифаси халқ ичидан адолат, эркинлик, ҳуқуқ истаганларни дарров қўлга олишлари ва фақатгина мана шу инсоний талаблари учун фуқароларни турли тухматлар билан қамоққа ташлашлари одатий ҳолдир. Шу билан бирга бу диктатура режими инсонларни ҳам бир бирига душман қилиш учун турли усуллар ва ҳийла найранглар ўйлаб топган. Шулардан бири Маҳаллаларда фуқаролар орқасидан пойлаб юрадиган муттаҳам режимнинг жосусларидир. Маҳаллалардаги назорат ва жосуслик шу даражадаки инсонлар яшайдиган бу маконларни ҳам худди Каримовнинг қамоқхоналари каби инсонлар яшайдиган қафаслар, дейишимиз мумкин. Бошқача сўз билан айтганда бирор маҳаллада қуш учса диктатура режими малайлари ҳамон хабардор бўладилар ва маҳалладаги ўзгаришдан ўз хўжайинларини дарҳол хабардор қиладилар. Хўш, диктатуранинг бу жосус малайларини қандай таниб олиш мумкин? Аслида бу хоинларни таниб олиш ҳам унчалик қийин эмас, деб ўйлаймиз. Бундай мараз инсонлар аввало ўзларининг ахлоқсизлиги ва тутуруқсизлиги билан ажралиб турадилар. Улар маҳалладаги инсонлар билан носамимий муносабатда бўладилар ва номигагина эл юртга аралашиб юрадилар. Уларнинг кўзлари доимо ялтиллаб, ўйнаб туради. Ўзларига алоқаси бўлмаган гапларни ҳам диққат билан эшитадилар ва бу билан юқорига «материал» ҳозирлайдилар. Қиладиган ишларининг тайини бўлмасида турмушлари ночор бўлмаслиги мумкин. Чунки бундай «кўпмақларга» ўзларига ўхшаган хўжайинлари яхши қарайдилар. Жосуслар мунофиқсифат кишилар бўлгани учун гапларининг кўпи ёлғон бўлади, сўзларига турмайдилар ва ўзларига берилган омонатга хиёнат қиладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг дину диёнатга алоқаси бўлмайди, бўлса ҳам «хўжақўрсинга» мусулмонлик қиладилар. Ҳар бир фуқарони ўз маҳалласида мутлақо топиладиган бундай жосуслардан эҳтиёт бўлишга чақирамиз. Ҳаммани ҳам жосусликда гумон қилиш тўғри бўлмасида, бетайин ва маҳаллада сир асрори кўп кишилардан узоқ туриш фойдали, деб ўйлаймиз.

Фарҳодбек

ҚЎРҚУВНИНГ АЖАЛГА Фойдаси йўқ...



Сарлавҳа сифатида келтирилган бу жумла турк мақолидир. Ҳақиқатан ҳам ўлим келгандан кейин инсон қўрқса ҳам, қўрқмаса ҳам бефойдадир. Чунки қўрқув ҳеч кимнинг ажалини тўхта олмайди...

Ўзбекистондан олинаётган хабарларга қўра, Ислоом Каримов режими бу кулларда қўрқувдан дир – дир титрай бошлаган. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларга чиқувчилар устидан назорат кучайтирилган, “ОВИР” нинг ёнига саёҳат қилувчиларнинг паспортига яна қандайдир тамға (печать) бўлиши талаб қилинмоқда экан. Шунингдек режим малайлари инсонларнинг қўл телефонларини (соткалар) ҳам икир чиқирга қадар текшириб, таҳликали материалларни излаш билан овора эканлар. Хуллас, халқ уйғонган сайин диктатуранинг ташвиши ортмоқда. Яъни, режим ўзининг “ўлимидан” бир жиноятчи ўлимдан қўрққани каби қўрқмоқда. Аммо сарлавҳада таъкидлангани каби “қўрқувнинг ажалга фойдаси йўқдир”. Зеро, Ислоом Каримовнинг президент эмас, Ўзбекистон халқи душмани эканлигини бугун ҳамма билади. Унинг ислохотлар амалга ошапти, деган ёлғонига “ўғай” ўғли Сергей Ежков ҳам ишонмай қўйганга ўхшайди. Диктаторнинг малайларидан ҳисобланадиган бу кимса Ислоом Каримов иқтисодий ислохотларининг ҳаммаси ёлғон эканлиги ҳақидаги мақолани ўз сайтида эълон қилибди. Миллиардларча доллар кумга тушган сув каби йўқ бўлиб кетди, дейди энди акли кира бошлаган бу “кашфиётчи”. Бир кишининг ақл ҳеч қирмагандан, кеч киргани албатта, маъқулдир. (Русчаси “лучше поздно, чем никогда”).

Аммо Ислоом Каримовнинг ақли энди ҳеч қирмаса керак. Чунки бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлган бу кекса ақлсизнинг қилаётган ишлари ҳеч қандай мантикка тўғри келмайди. Бир халқни бўғиб қўйиб, нимага эришиш мумкин? Ҳеч нарсага! Мана шу оддий ҳақиқатни тушунмайди ўзини ўзбекбоши ҳисоблайдиган бу диктатор. Шундай экан, Каримов диктатурасининг ҳозирда ўз ажалини (диктатуранинг тугашини) ҳис қилиб, қўрқув билан фуқароларга ташланиши тушунса бўладиган, аммо мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган “ҳамладир”. Зеро, бу қўрқувнинг ҳам зolim режимнинг ўлимига фойдаси йўқдир...

Фарҳодбек

КИШАНЛАРНИ СЕВМАНГ!

“Кўнгил, сен бунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг!”

Чўлпон

Каримовнинг муҳолифи бўлган Муҳаммад Солихнинг машҳур сатрлари бор, – “Озодлик – ҳаёлларнинг энг гўзалидир, орзуларнинг энг юксагидир” деган. Мен бу тушунчага шундан ортиқ таъриф бера олмайман.

Биз озодликни орзу қилдик ва шу орзу йўлида ҳатто ватанни тарк этдик, – мутлақо тушимизга қирмаган юртлардан бошпана топдик.

Ватан эса тобора олис ва қўрқинчли тушга айлана бошлади, чунки биз унинг озодлиги ҳақида орзу қилишдан тўхтадик.

Ватанни озод қилиш ҳақидаги гаплар, тобора бир эртакка, бангиҳаёлга айлана бошлади. Бу бир бангиҳаёлнинг қулига айланмаслик учун, ёндан воза кечиш, ё устимиздан бир совуқ сув уриб, мақсадни аниқ белгилаб олиш лозим. Ҳақиқатан ҳам биз ватанни озод кўришни истаймизми ёки занглаган кишанларимиз билан қолишимизми?

Озодлик қаердан бошланади?

Холбуки биз ватанни озод қилиш ҳақида эмас, кўпроқ бу ватанда яшашнинг ёмонлиги, ундаги зулм, қабоҳат, емирилаётган инсон ҳуқуқлари ҳақида тинимсиз ёзаяпмиз. Интернет Ўзбекистоннинг ёвуз ҳукмдори ҳақидаги мақолаларимизга ва атрофимиздагиларнинг бизга қарши аини адоватга йўғрилган мақолалари билан тўлаяпди.

Ватандан ақиётган қулликнинг қўланса ҳиди мақолаларимизга, ундан чиқиб ўқувчиларнинг бурунларига ва ҳужайраларига сингияпти. Ҳолбуки биз ёзаётган нарсалар, Ватандан қочиш истагани, ёки ватандагиларнинг биздан юз ўгириш истагани уйғотмоқда ҳолос. Ҳолбуки, биз Ўзбекистон турмасининг темир зирҳли эшиги ҳақида қанча кўп ёзсак – бу эшик қалинлашса қалинлашадими, ҳеч емирилмайди. Наҳот биз унинг зулфлари занглагани ва унинг очилишини истаётганлар биз ўйлагандан кўра кўпроқ экани ҳақида ёзмаймиз. Биз бошқаларни эшитишни истамаймиз, аксинча бизга очилган эшикларни ёпамиз, ёмонлик муждаларини тарқатишдан нарига ўтмаймиз.

Ҳолбуки, Озодлик – ватан сарҳадларидан, шу занг босган эшикларнинг очилишидан бошланади!! Демак, ният қилиш керак!

Мен ватан олис бир тушга айлангани, у ердан қора бошимизнигина олиб чиққанимизни ёздам. Лекин, ишонинги, бу озодлик эмас – бу эришилган неъмат, старт чизиғига келиб тўхтаган учоқнинг ҳолати бўлиши мумкин ҳолос, унинг учиши шууримиздаги ички бир буйрук, – учиш истаги билан боғлиқ.

Биз келиб тўхтаган шу манзилда қоламизми, ёки “орзуларнинг юксаги ва гўзали” бўлган Ватанни озод қилиш аҳдида давом этамизми – бу ҳам қилишимиз мумкин бўлган ўша аҳд паймонга, ниятга боғлиқ.



Зотан, Ватанни тарк этаркан, ният қилганимиз жонимизни озод қилишга эришдик.

Тақдирнинг гардиши билан бу йўлда етти денгиз оша Америка ва Европа каби қитъалардаги мамлакатларда бўлиб қолишни балки ўйламагандирмиз, лекин озодликни ният қилганмиз.

Ўзга юртларга келиб биз озод бўлдикми?

Яқинда Туркистон радиосида таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Толиб Ёқубовнинг қуллик ҳақидаги фикрларини эшитиб, ҳайратим орди. Гарчи бу ҳақда илгари ҳам эшитгандим.

Толиб аканинг айташича, қуллик шу даражага етарканки, ҳатто қуллар бир-бирларига кишанларини кўрсатиб мақтанишаркан – “менинг кишаним сеникидан чиройли” деб.

Бу бир томондан, бизнинг ҳозирги ҳолатимизни эслатади – гўё биз олис юртларга келиб озод бўлдигу, бошқалар қулликда қолди.

Буюк файласуф Пифагор: “Мен умрим бўйи қулликни ҳужайраларимдан ситиб чиқариш билан шуғулландим”, деган экан.

Балки, ҳамон Ўзбекистон турмасида қолаётган Муҳаммад Бекжон ёки бошқа бирор виждон маҳкуми ўз ниятида биздан кўра озод, биздан кўра илдамроқ йўлдадир!

Лекин ҳеч қачон “унинг кишанлари занглаган” деманг, зотан сизни бегона юртларга боғлаган кишанлар уникдан асло чиройли эмас.

Йўлни юрган енгади

Айтайлик бирор вилоятнинг овлоқ бир туманида чопиқ қилаётган деҳқон нари борса туман марказига бориб чойхона палов еб келишдан катта орзуни тасаввур қила олмайди.

Унинг учун Тошкент у ёқда турсин вилоят марказидаги каттароқ шаҳарга бориш ҳам эришиб бўлмайдиган бир орзу.

Бунинг учун “Йўлкира қилиш керак, автобус, маршрутка – ҳаммаси пул туради. Пишириб қўйибдимен менга у ерларда” дея ўйлайди у.

Бу ҳудуд Швециянинг Умиё ёки Лүлиёсида юрган ўзбекнинг “Тошкентда менга пишириб қўйибдимен” деган писандасига ўхшаб кетади.

Ўқувчим чалғимаслиги учун айтаман, – гап Тошкентга эмас Ватан озодлигига олиб борадиган йўл ҳақида кетаяпти. Уни истаган одам қидириб топади. Масала биринчи қадамни қўйишда. Шу қадам қўйилдими “йўл узок” деган фикр ўз мантиғини йўқотади. Зотан – йўлни юрган енгади.

Қудрат Божон

“ТУРКИЙЗАБОНЛАР” КИМ?

Бу мақола бундан 18 йил муқаддам, яъний, 1994 йилда ёзилган эди. Бу вақт ичида мақолада тилга олинган муаммо бартараф бўлгани йўқ, аксинча, янада чуқурлашди. Бугун Ўзбекистондаги аксилмиллий режим ҳатто Навоийни ҳам “турк халқларининг шоири”, деб аталишини истамайдиган даражага келди. Бу режим бизнинг бутун тарихимизга даҳл қилиб, уни йўқ қилишга урунмоқда. Улар халқимизни келгинди бир унсур, Ўрта Осиёнинг бир неча минг йиллик маданий ва давлатчилик тарихига алоқаси бўлмаган бир ваҳший тўда сифатида кўрсатишга урунмоқдалар. Халқимизни, кимлардир билан “қоришиб-чатишиб” кетган, насл ва насаби номалум бир оломон сифатида тақдим этишга ҳаракат қилмоқдалар. “Биз турк эмас, фақат туркийзабонмиз”, деган игво мана шу мақсадга қаратилгандир.

(...) Биз Бухоро, Самарқанд, Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапиришни яхши кўрамыз. ҳатто бу ҳудудларда яшайдиган уруғларнинг мусиқий санъатлари ҳам бир-бирига ўхшамаслигини эътироф этамиз. Урф-одатлардаги, миллий либослардаги, тилдаги ўзига хосликларни эса, санаб ўтирмаса ҳам бўлади. Хўш, бу қабилаларнинг қайси бири ҳақиқий “ўзбек”? Яъни, уларнинг энг “ўзбекроғи” қайси? Мақоланинг давомига назар ташлайлик: “Назаримда “турк” номи ўзбек тили луғати таркибига шу даражада сингиб борапти-ки, бунда “ўзбек” номи маънисиз, руҳсиздай(!). Агар шундай жараён давом этаверса, Ватан деган муқаддас тушунчага, миллий туйғуларга путур етиши мумкин”. Аввало, шуни айтиш лозим-ки, “турк” номи ўзбек тили луғатида “шу даражада” сингиб бораётгани йўқ, мабодо, шундай бўлаётган бўлса, буни фақат олқишлаш лозим, чунки, бу – тарихий ҳақиқатнинг ғалабаси бўлади. Қолаверса, бу иқдор ўзбеклар ичидаги маҳаллийчилик иллатини йўқ қилади. Энди нима учун турк номи қошида ўзбекнинг “маънисиз, руҳсиздай” кўриниши масаласига келсак, буни ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам тушунтириб беролмаса керак. Ўз номи қошида, ўзлиги олдида миллат ҳеч “маънисиз, руҳсиздай” кўринадими? Ватан деган муқаддас тушунчага келсак, биз ўз ватанимизни Сталин белгилаб берган ҳудудлардан анча кенгрок деб биламиз ва бу нарса бизнинг “миллий туйғуларга путур” етказмайди, аксинча, уни яна ҳам ўстиради, кенгайтиради.

Қолаверса, кўчманчи Шайбонийхон уруғлари билан боғлиқ бўлган ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларига илк бор Шайбонийхон истилоси билан кириб келган “ўзбек” деган ном тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам бирон бир шонли, улуғ ишлар билан боғлиқ ҳолда айтилмайди.

Биз ўзимизнинг боболаримиз деб ғурурланадиган соҳибқирон Амир Темура ҳам, унинг ворислари ҳам, Бобур ҳам, ўзбекларга қарши курашиб, ўзбекларни “нобакорлар” деган ва ўзларини ғурур билан “турк” деб атаган. ҳатто советлар даврида ҳам “ўзбеклар”ни дунёдаги энг конхўр халқ сифатида кўрсатишга урунишди – нега энди профессорларимизнинг миллий ғурурига бундай ҳақоратлар путур етказмайди-ю, ўзбекнинг турк эканлиги ҳақидаги фикр путур етказди? Умуман, “ўзбек”калимасини 1924 йилда коммунистларнинг дохийси Владимир Ленин расмийлаштирди. Туркистон номи йўқ қилиниб, унинг ўрнига бир қанча янги, ясама жумҳуриятлар, шу жумладан, “Ўзбекия” ҳам ташкил этилди. Бир муддатдан сўнг эса, “миллийлик принципи”га амал қилинган бўлиб, “Ўзбекия” номи “Ўзбекистон”га алмаштирилди. Агар биз ўзимизни бизга бошқа халқлар (масалан, руслар ёки овруполиклар) берган номлар билан аташни тўғри деб топсак, у ҳолда, биз ўзбек деб ҳисоблаётган Темура, Улуғбек, Бобур каби улуғларимизнинг ҳам рус ва Оврупо олимлари томонидан “мўғуллар” деб аталишига қўниқимиз лозим: Ҳиндистонда узоқ давр мобайнида ҳукмронлик қилган бобурийлар ҳам “буёқ мўғуллар” бўлиб чиқади.

Худди шундай муваффақият билан “дойч”ларни русча қилиб, “немец”, “хунгар” ёки “мажор”ларни – “венгер”, “ўзбек”ларни – Чор империяси пайтида кенг қўлланилган “сарг” номлари билан атайвериш мумкин. Умуман, агар ўзбеклар Ўзбекистондаги аксилмиллий режим пропагандасига учадиган бўлса, ўзининг бутун тарихидан маҳрум бўлади. Чунки, тарихимизда “ўзбек” номи билан боғланган бирон бир давлатчилик мероси йўқ. Бизни туркчилигимиздан маҳрум қилмоқчи бўлаётганлар айнан мана шуни яхши билганлари ҳолда, режали равишда пропаганда олиб бормоқдалар. Уларнинг Самарқанд ва Бухоро ўзбекларники эмас, деган иддаоларини бутун ўзбеклар яхши билади-ку! Бизнинг турк эмас, фақат ўзбек бўлишимизни исташларидан кўзлаган мақсадлари ҳам мана шунда – бизни ўз тарихимиз ва маданиятимиздан маҳрум қилишга урунишдадир...

Бугунги ўзбек адабий тилининг нақадар сунъий тил эканлигини олим бўлмаган одамлар ҳам яхши билади. ҳар хил вилоятдан келган иккита ўзбекнинг бир-бирларини тушунмай, анграиб туришларининг сабаби ҳам тил ислоҳотидаги мана шу зўравонликда, сохта илмийликдадир. Бугун Ўзбекистон ҳудудларида яшаётган ва паспортларида “ўзбек” деб ёзилган уруғлар турк тилининг барча лаҳжаларида гапирадиган қавмлардир. Бугунги ўзбеклар қипчоқ лаҳжасида ҳам, ўғуз лаҳжасида ҳам, қарлуқ лаҳжасида ҳам гапирадилар. Бу ҳол, бобомиз Амир Темурнинг: “Биз туркларнинг бош бўгинимиз” деган гапини тасдиқламайдими? Академикларимизнинг “ҳозирги замон ўзбек адабий тилини соф турк тили деб бўлмайди”, деган гаплари тўғри. Чунки, бу тил, юқорида айтганимиздек, сунъий равишда яратилган тилдир, яъни, лаҳжаларимиздаги унга қириши мумкин бўлган туркий сўзлар киритилмай, уларнинг ўрни форс ва араб сўзлари билан тўлдирилган. Яъний, советлар ўзбек алифбоси устида ўтказган “эксперимент”ларини (тинимсиз, ўзгартириш ва “тозалаш”дан иборат) тил сиёсатида ҳам тадбиқ қилдилар. Ўзбек имло луғати ўта даражада қашшоқ ва ғариб. Унинг ярмидан кўпроғини бегона тиллардан кириб келган сўз ва терминлар ташкил этади. Ўзбек тилининг имло, изоҳли, синоним (агар шундай луғат тузилса) луғатлари Ўзбекистондаги барча лаҳжаларни ўзига жамламоғи керак. Қолаверса, бошқа турк халқлари луғатларидаги биз унутиб юборган туркча сўзларни ҳам луғатимизга қайтадан киритиш масалаларини кўриб чиксак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ўзбек адабий тилининг “соф турк тили эмас”лиги ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтдик. Бизнинг олимларимиз зўр бериб исботламоқчи бўлаётган – ўзбекнинг турк эмас, бор-йўғи “туркийзабон” эканлиги, аслида, ўзбекнинг “қоришиб-чатишиб”(ким билан?) кетган бутунлай бошқа бир миллат (қандай миллат?) эканлиги ҳақидаги тўқима, қадимги Хитой донолари айтиб кетган бир афоризмни эсга солади: “Қоронғи уйда қора мушукни излаб топиш қийин, айниқса, бу уйда ҳеч қанақа мушук йўқ бўлса...” Қоронғи тарих ҳам қоронғи уй қабидир, бу қоронғиликда ҳам қора халқни (келиб чиқиши қоронғи халқни) излаб топиш қийин...

Мақсуд Бекжон
ЎХХ Норвегия бўлими раиси

“ХАЛҚ НИДОСИ” ФИЛМИНИ КЎРИБ...



Бугунги кунда “Халқ нидоси” филми Ўзбекистон ичида қай даражада қизиқиш билан кўрилатгани ва халқ уз дардини ўзи филмда кўриб бу ўзи ҳақида эканлигини билиб ўз аксини кўзгуда кўриб ҳайронлиги ошмоқда. Мен узоқ бўлмаган ўтмишда очирокги 2005 йили Киев шаҳрида заргалдоқ инқилоби бўлаётган кунлари Черниговский метро станциясида эски китоблар ва ҳар хил қадимий тангаларни сотиб турган бир қария билан бўлган суҳбатимни эсладим.

“Бу тиланчилар сендан кўра бойроқ...”

Одатда мен ишга соат 8 ларда йўлга чикар, ижарада бўлган ресторан ва кафеларим кўплиги сабабли ишни метрога яқин бўлган кафедан бошлардим. Шу сабабли деярли ҳар куни метрога тушардим. Черниговский меросига кириш йўлагиде кимдир реклама тарқатса кимдир сотувчилик билан, кимдир инқилобий газета ва варақалар тарқатиш билан шуғуланарди. Мен ҳар куни кечкурун савдо тушумларини йиғганимда албатта бир сиқим танга олиб чўнтагимга солардим, шу тангаларни ҳар куни эрталаб тиланчиларга садақ килиб чиқардим, тиланчиларнинг деярли ҳаммасини танирдим, янгиларини ҳам уялинқираб юзини яширишидан ажрата билардим. Бир куни ҳар хил қадимий тангаларни сотиб турган бир қария мени тўхтатиб, “ўғлим” деб мурожаат қилди ва менга “Сен ўзбекмисан?” деди. Мен “ҳа, ўзбекман” дедим. У менга қизиқсиниб қараб “Нега буларга ҳар куни пул тарқатасан, буларнинг тенг ярмиси сендан ҳам бой одамлар, улар ишлашни хоҳлашмайди, шу сабабли бу ерга келиб тиланчилик қилишади” деди. Мен унга кулиб, “Отахон, улар сўраяпти, мен бераяман” дедим, у кулиб “Сенга ким беради, сен кимдан сўрайсан” деди. Мен унга “Аллоҳдан сўрайман, Аллоҳ беради менга” дедим.

“Петруха” ёки ош устидаги суҳбат

Шу кундан бошлаб бу отахон билан ҳам деярли ҳар куни кўришадиган ва салом-алиқ қиладиган бўлдим. Мен уни сотадиган нарсаларига қизиқиб, “Сиз буларни кимлардандир сотиб олиб сотасизми” десам, “у йўқ, буларни ҳаммаси менинг ўзимники” деди. Ишонмаганимни кўриб уйига таклиф қилди. Мен уни уйга душанба куни боришни ваъда қилдим, отахон яхши унда иккалаамиз ўзбекча палов қиламиз деди. Мен унинг уйига меҳмон сифатида қурук бормасдан, ўзбеклар одатича бозорлик қилиб бордим.

(Давоми 7-бетда)

“ХАЛҚ НИДОСИ” ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЕТИБ БОРДИ ВА ҚЎЛМА ҚЎЛ БЎЛИБ КЕТДИ

Бир ойдан озроқ вақт мобайнида Youtube портали орқали 11 мингдан ортиқ одам томоша қилган “Халқ нидоси” хужжатли фильми Ўзбекистон ичида ҳам анчагина шов бўлаётгани тўғрисида хабарлар келиб турибди. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятидаги Денов шаҳридан хабар беришларича, ушбу филм интернет саҳифаларидан кўчириб олиниб, қўл телефонларига ҳам ўтказилган: “Бозорларда ва ўқув юрларида томоша қилишяпти. Хеч ким қўрққани йўқ, кизиғи одамлар буни ҳар куни гапирилиши лозим бўлган оддий ҳақиқат сифатида қабул қилишяпти” дейди Деновдаги танишларимиздан бири. Бухоро вилояти туманларидан бирида яшовчи бир опа эса кеча шундай бир хат ёзибди: “Барака топишсин, шунақа бир ҳаққоний кино ишлашибди. Бир неча кундан бери коллеж домлалари фақат шу кино ҳақида гаплашишяпти. Кеча биз ҳам уйда кўрдик хўжайиним билан. Кинони кўриб тўғриси йиғлагим келди. Дискети қўлма қўл бўлиб кетди”

Андижон вилоятининг Олтинқўл тумани ички ишлар бўлимида ишлайдиган бир кишининг гапига кўра, “Халқ нидоси” филмини туман ички ишлар бўлимидаги раҳбар ходимлар ҳаммаси томоша қилишган: “Андижонда кўпчилик орасида гап-сўз бўлаётган бу филмни милиция ходимларига кўрсатилиши бежиз бўлмаса керак. Менимча, вилоят ички ишлар бошқармасидан шунақа кўрсатма бўлган. Ички ишлар бўлими раҳбарининг хонасида бўлган намоийишда барча бўлим раҳбарлари, 3, 4 та ҳақалла нозирлари ва туман ҳокимлигидан келган раҳбарлар бор эди” дейди Андижондан бизга хабар берган манбаа.

Ҳамма нарсадан хабардор Жиззах таксичилари “Халқ нидоси” филми видео дискларга кўчирилиб, яширинча таниш билишлар орасида тарқалаётгани ҳақида айтишди: “Мана куни кеча гаштак жўралар йиғинида шу гап бўлди. 2 та ўртоғимиз Тошкентдан келишиб, шунақа кино кўрдик дейишиб гапириб беришди. Бозорда ишлайдиган жўраларимиз ўша кинони дискини танишларидан олиб



кўришгани айтишди. Мен ўша дискни бугун олиб келиб кўрдим. Бунақа кинони, бунақа ҳақиқат кўрсатилган филмни биринчи марта кўрдим! Демак, бу тузум йиқилишига оз қолибди деган ўй келди ҳаёлимга” дейди Жиззахлик Д.

Наманган вилоятидан келган хабарда ҳам шу гап: “Раҳмат филм учун. Аллақачон кўчириб олдик. Аммо бу фильм ҳамма ёқни ларзага солди. Кўпчилик филмни ўз телефонларига кўчириб, бошқаларга ўтказишяпти, қишлоқларда, районларда шу фильмни кўришмоқда” Бугун Ўзбекистонда анчагина шов бўлиб улгурган “Халқ нидоси” хужжатли филмини ўзбек халқи ўзгача бир эҳтирос ва умид билан томоша қилиши бежиз эмас. Чунки фуқаролар диктатурадан, ҳақсизликдан чарчаган. Айнан шу сабабли давлат миқёсидаги ёлғончилик, иккиюзламачилик ва муттаҳамлик сабабли, қақраган сахрога айланган миллатимиз онги “Халқ нидоси” филмдаги оддий ҳақиқатни зилол чашма каби қабул қилди. Филмнинг Ўзбекистон ичидаги тақдирини кузатишда давом этамиз.

Яна бир гап: 26 феврал, якшанба куни “Халқ нидоси” филми Канаданинг Ванкувер шаҳридаги “Ванкувер экспресс” газетаси йиғинлар залида кенг жамоатчиликка намоийиш қилинади. Дунёдаги қонхўр диктаторлардан бири бўлган Ислоҳ Каримовнинг аслида ким эканлиғини Канадалиқларга етказиш Ўзбекистон Халқ Харакатининг Канада бўлими фаоллари томонидан амалга оширилмоқда.



ЖИНОЯТКОР ТУЗУМНИНГ ЖИНОЯТЧИЛАРИ

Ўзбекистондан юқори лавозимли мансабдорларнинг қўлга олинаётгани ва улардан баъзиларининг қамалаётгани ҳақида хабарлар келиши давом этмоқда.

Булар орасида собиқ ва хизматдаги Давлат Маслаҳатчилари, Вазирлар, вилоят ва туман ҳокимлари, Хавфсизлик хизмати ходимлари ва бошқа маъмурлар бор. Куни кеча Президентнинг собиқ Давлат Маслаҳатчиси Равшан Муҳиддинов 15 йилга “кесилди”. Хуллас, Президент Ислом Каримов ва унинг оиласидан бошқа оддий фуқаро ҳам, юқори лавозимли давлат маъмури ҳам қутилмаганда ҳибсга олиниб, қамокка ташланиши мумкин. Жинояткор тузумнинг шармандаликлари шу даражадаки, ҳатто Исломий университетда ўқиш учун ҳам пора талаб қилинар экан. Ҳажга борадиганлар ҳам бу улуг ибодатни адо этиш учун диний идора ходимларига пора беришга мажбур қилинади...

Ислом Каримов диктатурасида тўғрилиқнинг “Т” ҳарфини ҳам топиб бўлмайди. Дин, яъни имонга алоқадор ишларга эгрилик киргандан кейин бошқа соҳа ҳақида нима, дейиш мумкин. Сиёсий ишлар, яъни мамлакат бошқарув тизим ёппасига порахўр ва золим тўдаларнинг фаолият майдонига айлангани жамоатчиликка яхши маълум. Вазир, ҳоким, прокурор, бирор қўмита ёки кенгаш Раиси бўлиши учун юқорига пўл тўлаш керак. Яъни, сифати соткин бўлганлар қўлларига тушган барча имконият ва мансабларни сотади. Дину имон сотилган ерда эса мансаб албатта сотилади. Иқтисодий соҳа эса ўз ўзидан маълум: бу ер пул соҳасидир. Фермеру деҳқон бошқарувчиларга пора бермасдан ўз ишларидан бирон нарсани эплай олмайдилар. Соғлиқ соҳаси ҳам тижоратга айлангани хамма билади. Пулинг бўлса даволанасан, акс ҳолда қабр йўли узоқ эмас. Таълим тарбия соҳасида ишлар эса пора бер, диплом

ол тарзида йўлга қўйилганига йиллар бўлди...

Хўш, муаммонинг сабаби нимада ва унинг ечими қандай бўлади? Сабаб маълум: Ўзбекистонда Ислом Каримов бошқараётган жиноятчи тўда зўрвонлик билан халқимизни асир олган. Бу жиноятчи тўданинг бошлиғи камида ўн йилдир ноқонуний президентлик лавозимини эгаллаб ўтирган кимсадир. Шундай экан, жинояткор тузумни ўртадан қўтаришда аввалги масала ҳисобланадиган Ислом Каримов диктатурасини ағдаришнинг вақти аллақачон етиб келган. Чунки балиқ бошдан чириган экан, демек ириган бошни бир чеккага отиш зарурийдир. Бу иш ҳамманинг, яъни бутун халқимизнинг вазифасидир. Худди Тунис ва Миср халқи ўз диктаторларни қувгани каби биз ўзбеклар ҳам диктатор Ислом Каримовнинг қовушини тўғирлаб қўйишимиз керак бўлади. Бунинг учун илк қилинадиган иш халқни диктатурага қарши “умумхашарга” чорлайдиган ва бу ишни бошқарадиган бир халқ ҳаракати тузилишига эҳтиёж бор эди. Бу ишни халқимизнинг илғор вакиллари амалга оширдилар ва халқимизнинг барча табақаларини ўз сафларига бирлаштирган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати 2011 йил май ойида тузилди. Ҳозирги кунда Ҳаракатимиз халқимиз билан мустақкам алоқа ўрнатди. Эндиги вазифа ЎХХ ғоя ва максадларининг ҳар бир шондонга кириб боришидир. Мана шу шаклда халқимизнинг тўлқинланиши ва Каримовнинг жинояткор режимга қарши қўзғалиши учун имконият пайдо бўлади. Иншаллоҳ бу кунлар яқиндир...

Йўлдош Абдулла ўғли

“ХАЛҚ НИДОСИ” ФИЛМИНИ КЎРИБ...

(Давоми. Боши 6-бетда)

У мени ўзи айтган адресда, ўз айтган вақтида қўтиб турган экан. Қўлимдаги бозорликни кўриб қулди ва “Минталитет, култура яхши нарса «Восток дело тонкое» деди. Мен эса қулиб «Петруха» дедим.

Отахон қулиб “Қани унда кетдик дачага борамиз” деди. Мени бозорлигимни ва отахоннинг тайёрлаб қўйган махсулотларини машинага юкладик. Киевнинг “Конча заспа» районида бордик. Мен отахоннинг дачасини кўриб, оғзим очилиб қолди. Биз қозонда ҳақиқий оловда, палов дамладик.

“Агар йўлини қилсанглар, Кремлни ағдариш осон!”

Сўхбатимиз давомида шу нарсани билдимки, отахон Совет даврида кремлда ишлаган, Совет давридаги барча коммунистик лидерлар билан бир сафда бўлган. Сўхбатимиз давомида отахон Каримов ҳақида гапира туриб, “Агар йўлини қилсангизлар, уни йиқитиш осон, жуда ҳам осон” деб қолди. Мен эса қизиқсиниб “Қандай қилиб, десам унинг ўзи ўзига чоҳ қазияпти, фақат сизлар уни қандай шу қазиган гўрига итаришни билмаяпсизлар” деди.

Бу вақтда мен хали муҳолифатда эмасдим, шундай бўлсада ичимда бир уйғониш пайдо бўлди. “Қандай қилиб?” дедим. Отахон “Мана сен қара бизда қандай, ҳар куни Кучма ҳақида ёзилган нарсани кўрасан, ҳар куни порахўрлик, ўғирлик ҳақида ёзилади, халқни қандай яшаётгани ёзилади, кўзгу бор бу кўзгуга қараб ўрганиб қолганмиз, сизларда эса бу кўзгу йўқ халқнинг қўлига кўзгуни бера билиш керак, шунда халқ ўз аксини кўзгуда кўрса катта бир тўлқинланиш пайдо бўлади, шу тўлқинланишдан фойдалансанглар, марра сизларники” деди.

Отахон айтган кўзгу

Мана бугун ўша отахон айтган кўзгу орқали халқ ўз аксини кўрмоқда. Бугун кимдир шу кўзгуда ўз аксини кўриб бу ожиза аёл ўзбекнинг замонавий Тўмариси, уни шу йўлга қиришига менинг эр йигит бўлиб қила олмаган ҳаракатим натижаси деб уйлар. Бугун, кимдир шу кўзгуда ўз аксини кўриб миллатим, халқим, киндик қоним тўқилган юртимни кимлар бошқармоқда, деб уйлар. Бугун кимдир шу кўзгудаги ўз аксини кўриб, “Нега мен бу ерданман, нега мен мусофирликданман, менику имконим бўлди, чет элда мардикорликданман, фарзандларимчи, улар ҳам мен каби ҳаёт кечирадиларми?” деб уйлар. Бугун кимдир шу кўзгудаги ўз аксини кўриб, йиғлайди. Қалбининг тўрида нимадир уйғонади. Бу уйғонган нарса нафрат, миллатни хор қилаётган, хотин қизларимизни шу каби ишларга мажбурлаётган режимга бўлган нафратдир. Бугун кимдир шу кўзгудаги ўз аксини кўриб, қулади “Менга нима, яшашни билмабдики, шу аҳволга тушибди” деб уйлайди «ЭИ ИНСОН БИРОВНИНГ ҲОЛИГА ҚУЛМАГИН ЗИНҲОР, СЕНИНГ ХОЛИНГА ҲАМ ҚУЛГУВЧИЛАР БОР»

Бугун кимдир шу кўзгуда ўз аксини кўриб, шу ожиза каби курашга отланар, яшашдан мақсад фақат ўзи учун эмас, келажак авлод ва фарзандларнинг яхши яшаши учун курашмоқ ҳозирги кунда унинг эр йигитининг зимасида эканлигини англаб етар.

Дўст Назар.

МИСЛСИЗ ТАБИЙ ОФАТДАН АЗИЯТ ЧЕККАН ЯПОНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОН ГРАНТ ОЛАЯПТИ...

Яқинда ўзбек расмий матбуоти томонидан бир хабар тарқатилди. Унга кўра, Япония ҳукумати Ўзбекистондаги ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 489,990 АҚШ доллари миқдорда грант ажратибди.

Сал кам ярим миллион долларлик бу маблағ Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида бешта ижтимоий лойиҳани амалга ошириш учун сарфланар экан. Тошкент Тиббиёт педиатрия институти (\$119,450), Бухоро вилоят психоневрологик болалар касалхонаси (\$88,400), Намангандаги 1-сонли шифохона (\$101,900), Фарғонадаги Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (\$93,240), Сурхондарёдаги Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси (\$87000) мана шу грантнинг эгалари саналади. Жаҳондаги коррупция ривожланган мамлакатлар қаторида турувчи Ўзбекистон учун кўп йиллар давомида қўллаб қолинадиган ташкилотлар томонидан грант ва кредитлар бериб борилапти.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) айниқса Ўзбекистон учун йирик миқдордаги маблағларини аямаяпти. Масалан, 2001 йилнинг сўнгида ОТБ Ўзбекистонга 36 миллион долларлик маблағ берганди. Ўзбекистон ҳукумати бу пулни олиш учун ОТБга “Ўзбекистон шаҳарларидаги кам таъминланган оилаларни сув билан таъминлаш” деб номланган лойиҳа ҳужжатини топширди. Номини чиққан банк эса, мана шундай эзгу ният учун сўралган маблағни дарҳол ажратиб берди.

Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларидаги “кам таъминланган аҳоли” бу янгиликдан боши осмонга етди, чунки лойиҳада айнан мана шу шаҳарларнинг аҳолиси кўзда тутилган эди. Мен ўша пайтда Жиззах шаҳридаги ТВларни бирида ишлардим. Вилоят хокимлигидаги яхши бир танишим орқали, Жиззахга 7 миллион доллар ажратилганини аниқладим. Бу янгилик ҳақида ўша пайтдаги вилоят хокими Убайдулла Ёмонқулов ҳам бир йиғилишда айтиб ўтди. Жиззах шаҳрида сув таъминотидаги муаммолардан безган аҳоли ўшанда роса қувонган эди.

Бирок....

2002, 2003 йиллар давомида шаҳар кўчалари қовланиб, ер остидаги ҳамма эски қувурлар чиқариб ташланди ва уларнинг ўрнига пластик қувурлар тортилди. Баъзи жойларга эса қавлаб олинган эски қувурларнинг уёғ бу ёғи тозаланиб, яна қайтариб қўмилди.



Ажратилган маблағ аллақачон “Жиззахсувоқава” ташкилотига келиб тушган бўлсада, ишлар юришиб кетмади. Менинг аниқлашимча, лойиҳада, шаҳардаги барча сув қувурлари янгилаштириш кўзда тутилган бўлсада, бирон жойда янги метал қувурлари сотиб олинмади. Бир жойдан чиқариб олинган эски қувурлар, бошқа жойга қайта ётқизилди.

Бу ҳақда мен ўша пайтдаги шахар хокимининг қурилиш ва саноат бўйича ўринбосари Кенжа Жўраевга айтганимда у “Бу менинг ихтиёрида эмас, бу масала шахсан вилоят хокими ва бош вазир Шавкат Мирзиёев қўлида” деганди.

Қисқаси, мана орадан 10 йил ўтган бўлсада, Гулистон, Жиззах ва Қарши аҳолиси халигача ичимлик сувига ёлчигани йўқ. Осиё тараққиёт банкнинг маблағи ҳақида эса ҳеч ким эсламайди.

Жиззахда 1998 йилда ишга туширилган троллейбус линияси ҳақида оммавий ахборот воситалари анча шов шув кўтаришди. Бирок, янги линия учун Европадан сотиб олинди керак бўлган янги троллейбус вагонлари ўрнига, Андижон шаҳрида ишлатилган эски вагонлар келтирилди. Янги вагонлар учун қайсидир хорижий банк томонидан ажратилган 30 миллион доллар маблағ эса қаёққадир гумдон бўлди. Кейинчалик, Жиззах троллейбус депоси раҳбарларидан бири, ажратилган маблағнинг ҳаммаси бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг буйруғига кўра Тошкентдаги банклардан бирининг хисоб рақамига ўтказиб берилганини айтган эди. Жиззах вилоятида мустақил журналист сифатида ишлаган кезларим, вилоят соғлиқ сақлаш тизими учун ҳам хорижий ташкилотлар томонидан йирик миқдордаги грант ва хайрия маблағлари ажратилаётгани ҳақида хабар топардим.

Масалан, 2001 йилда, вилоятнинг Бахмал тумани ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган шифохона қурилиши ва жихозлари учун, (менимча, агар хотирам адаштирмаса

яна Осиё тараққиёт банки томонидан) 50 миллион доллар маблағ ажратилган эди. Бу шифохона 2005 йилга қадар ҳам чала ярим ҳолда турганди. Хозирги кунда бу шифохонада замонавий жихозлар у ёқда турсин, малакали шифокорнинг ўзи йўқ. Бугун жаҳондаги илғор мамлакатлар томонидан Ўзбекистондаги медицина, таълим ва бошқа тизимлар учун берилаётган грантлар, кредитлар, заёмлар диктатор Каримов ва унинг жиний тўдаси томонидан юзсизларча ўзлаштириляпти.

Улар ҳаттоки қуни кеча, ўтган йили мисли кўрилмаган табиий офатдан чексиз зарар кўрган Япониядан 489 990 доллар грант олишдан ҳам уялишмади.

Олтин, уран, газ ва бошқа табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистондаги тиббиёт тизими нахотки мана шу арзимаган пулга зор қолган бўлса? Мамлакат тиббиёти гадей каби садақа олаётган бўлсаю, президентнинг эрка қизи, Европа ресторанидаги бир маргалик кечки овқати учун 200 минг евро сарфлаётган бўлса...

Ўтган йили ўзининг юз минглаб фуқароларидан ажралиб, мисли йўқ табиий офатга нишон бўлган Япониянинг гранти нақд эканлигини ҳақидаги ҳужжатларни имзолаган ўзбек амалдорининг қўллари қалтирамадимикин?

Самурайда бор ор ному, ўзбекда қолмадим?

Ҳар йили минг минг болаларни мактабга яқинлаштирмасдан, деярли текинга далада ишлатаётган Ўзбекистон ҳукумати 1995 йилдан токи хозиргача Япония ҳукуматидан “Мактаблариизни коптолтирмиш, интернетга улаймиш, ўқув базасини такомиллаштирмиш” дея, жами 299 та ижтимоий лойиҳа учун (!) 18 миллион АҚШ долларини қуртдек санаб олибди. Айни пайтда эса миллионлар ўзбеклар ижтимоий тенгсизлик ва етишмовчилик туфайли азоб чекишяпти. Улар ёзнинг қайноқ кунларида ичимлик сувсиз, кишининг қаҳратонида эса газсиз ва электрсиз ҳаёт кечиришяпти. Уларнинг Япония, Германия, АҚШ ва Канада ажратаётган грантлар ва кредитлардан умуман хабарлари йўқ. Хориждан олинган барча маблағлар эса диктатор Каримов ва унинг жиний тўдасини янада қутиртиряпти.....

Улўзбек Хайдаров

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Эртаси куни меҳмонлар филармония биносининг кенг залида тўпланди. Танишув кок-тейли берилди. Эшикнинг ёнида кичик тортишма бўлиб ўтди. Профессор Маликов билан Ойдин Маммедов гижиллашарди.

–Менга айтмасдан, нега чақирдинг уни? – дерди Маликов, – коллокиумга мен масъулман!

–Меҳмонимиз Бахтиёр Ваҳобзодани кўришни истади, истагини рад этолмадим, – деди Маммедов. –Бахтиёрбейнинг хастахонада эканлигини эшитиб, мен илтимос қилдим уни кўришни, – деб орага кирди Маҳмат Эрийгит хўжа. Маликов:

–Сизни тушунман Маҳмат хўжам, фақат программамиз ташқарисига чикмаслигимиз керак. Майли, Бахтиёр бейга айтилган бўлса, меҳмонларимизни олиб бориш керак. Қанча киши келади, дедим, – деб Маммедовга юзланди Маликов. –Фақат Маҳмат бей ва Ўғуз бейни айтдим, – деди.

–Тамом, уларни сен ўзинг олиб бор, тушликка қайтиб келинглар аммо, – деб тайинлади Маликов. “Хастахона” аслида санаторий экан. Бахтиёр бейнинг жиддий хасталиги йўқ эди. Ўлканинг таниқли ёзувчи-шоирлари дам оладиган жой экан бу ер. Сухбат бош ҳаким кабинетига бошланди, бир ярим соат давом этди. Ўғуз Ваҳобзода ва бош ҳакимни жон қулоғи билан тинг-ларди. Бу одамлар қандай қилиб шундай маданиятли бўлганлар? Дунё адабиётидан баҳс этаркан, 16 аср Озарбайжон адабиётидан бирдан 19 аср рус романчилигига ўтишарди. Эрийгит хўжа гапга аралашмади. Ўғуз “майли, Ваҳобзода шоир, адабиётчи. Лекин бош ҳаким (бош врач)га нима дейиш керак? У бунча шеърни қандай ёдлаб олган!”, дея хайратланарди ёш Ўғуз. Ва доктор Ваҳобзоданинг Озарбойжон учун нимани ифода этишини шундай тушунтирди:

–Бахтиёрбей бу ўлканинг кўчала-рида бемалол сайр қилолмайди. Хар ким тўхтагиб, унга хурмат изхор этгиси келади, – деди бош ҳаким.

–Профессор Эрийгит:

–Бизда санъат ва адабиёт ҳаёти бу қадар жонли эмас. Аср бошида, Машрутият Даври деб аталган 1908 йилдан кейинги йилларда йилларда жонли санъат ҳаётимиз бор эди. Истанбул, Измир, Салоник каби катта шаҳарларда. Машхур романчимиз Ёқуб Қадрий хотираларида Машрутият Даври ёшлари орасида таниқли шоир ва ёзувчиларнинг расмларини ўзи билан олиб юриш удуми пайдо бўлганини ёзади.

–Бизда бугун ҳам шундай, – деди Ваҳобзода, – мен уйимнинг балкони-нига чиксам, жамоат балконга гуллар ёдиради, Оллоҳ сени ишонтирсин, Маҳматбей!

ГУЛНОР (роман)

Ойдин Маммедов:

–Сиз бу хурматни ҳақ этдингиз, муаллим. Халқимиз сизни севади, чунки шеърингиз халқнинг инъикоси...

Профессор Эрийгит:

–Биласанми, Ойдин, мен Бахтиёр муаллимни янглишмасам 1970 йиллар бошида танидим, – дея гапга қўшилди, – Бизнинг обрўли журналларимиздан “Борлик” да учрагимиз унинг исмини. Журнал соҳиби Яшар Ноибга ёзган бир мактуби босилганди муаллимнинг, сарлавҳаси “Ел қоядан на кўпо-рур?” эди. Мактуб журналда чиқ-қан Исмаил Заки Аюбўғлининг бир мақоласига жавоб эди. Аюбўғли ўз мақоласида Фузулий ва Бокий каби шоирларнинг лицейда ўқити-лиши янглиш, деган фикрни олға сурганди. Ваҳобзода бунга қарши чиқиб “Фузулий асрлардан бери яшаб келаётган қоя каби шоирдир, ел қоядан бирор парча кўпоролмагани каби Аюбўғли кабилар Фузулийни ўз тахтидан тушира олмайди”, дея ғазабнок жавоб ёзганди. Кейин мен 1976 йилда Вашингтон Университети кутубхонасида Ваҳобзоданинг шеър китоблари билан танишдим. Сўнгра у билан хат ёзиша бош-ладик. Мана, энди юзма-юз кўришаймиз...

Коллокиум бошланди.

Исмоил Элмонлининг қирмизи-оқ юзи ва бошини елкалари ичига тортиб, хўрпайиши уни патологик тортинчок киши қилиб кўрсатарди. Унинг ўнг тарафида ўтирган Саидзода, аксинча, совуқкон киши кўринарди.

Элмонлининг нутқи Ўғузнинг диктатини тортди.

Айниқса, унинг Нух пайгамбардан сўз очиши, крамерга асосланиб, “Таврот”дан бир неча минг йил аввал қадим шумер дostonларига Тўфон ҳақида гапирилганини эътироф этиши қизиқ туюлди. Элмонлига кўра “Таврот” ҳам дostonлар каби тарихдан аввалги воқеаларни тасвирларди.

Эски ҳинд дostonи “Махобхората”да тасвирланган, Мохенко-Даро шаҳрини йўқ қилган фалокат ҳам 20 асрда археологик қазималарда кашф қилинганди. Бу намуналар “Дада Кўркут китоби”да ҳам туркларнинг тарихдан авалги ҳаётини ойдинлатувчи излар топилиши мумкинлигига ишора қиларди. Ўғуз Совет Иттифоқида ҳам Крамерни билганларига хайрон қолди ва “темир парда”ни йиртаоладиган ягона куч - билим, деган хулосага келди.

Элмонлининг нутқи тамом бўлиб, тортишма бошланди. Ўғуз Эрийгит хўжани ҳеч бунақа хая-жонли кўрмаганди. Ўнг қўлини олдингга узатиб, Элмонлини “хали ҳам марксистик тарих шаблонини қўлланаётганликда” айблаб бошлади. У бутун дунёни ўз ичига олган “ҳарбий демократия даври” бўлиши мумкин эмас, деди. Қозон хонининг

уйи яғмоланиши билан Франк киролининг урушда олинган ўлжани тақсимлашга ара-лашувини қиёсламок мумкин эмас, деди у...

Профессор Эрийгит очикча “марксист” сўзини ишлатмаса-да, шундай дегани очик эди. Ўғуз Эрийгит хўжанинг муросасиз нутқидан безовта бўлди. Озарбойжонга биринчи марта келишлари эди, муносабатларни илиқ тутиш керак эди. Яхшиямки, Элмонли баҳсга кирмади. У пайтда йиллар кейин Элмонли ва Эрийгит хўжанинг якин дўстларга айланишини ҳеч ким тасаввур қилмаганди.

Икки кун давом этган машварат Ўғуз учун икки кунлик зиёфат бўлди. Қозок, қирғиз, туркман илм одамлари ҳам ўз лажжаларида нутқлар қилди. 1988 йилда бу воқеаларнинг бўлишига ишонмоқ осон эмасди. Ўғуз учун Исмоилли сафари унутилмас бўлди. Эрталаб меҳмонхонадан чиқиб, автобуслар ёнига келишди.

Ўғуз Дўғон Гўкман хўжа билан бирга юрарди. У бир шаки (Озар-бойжонда бир шаҳар) латифасини айтиб берди. Ўғуз:

–Хўжам, бунча латифани хотиран-гизда қандай тутасиз? – деди.

Дўғон Гўкман бунга “гапни айлантириб” жавоб берди, бу менинг сирим, демоқчи бўлди.

Кейин:

–Қара, Маҳматга латифа айтсам, дарров кулади, холбуки, бу латифаларни унга аввал ҳам айтган бўламан, – деди Гўкман хўжа.

–Демак, Маҳмат хўжа латифа учун миясини чарчатиб овора бўлмайди, – деди Ўғуз.

–Йўқ, Маҳматнинг айтишича, шундай бўлгани яхши эмиш. Хар сафар кулиш мумкин бўларкан...

Тўрт соат давом этган йўлчилик Ўрхон Шоик Гўкёй хўжанинг шеърлари, Ўрхон Нодийнинг қўшиқлари, Дўғон Гўкманнинг латифалари билан қискарди. Ҳатто йўлда Эрийгит хўжа ҳам очилиб кетди, Туркистон халқ термаларини айтиб, ҳаммани хайратга солди.

Шу онларда Ўғуз ва Гулнор бир-бирига қаради. Ўғуз Гулнорнинг кўзларида ҳеч қачон кўрмаган бир порлашни кўрди.

Исмоиллида расмий зиёратлардан сўнг, ўрмонда зиёфат берилди. Стаканларга чой қуйилиб, машхур озарий тақарламаси эшитилди:

Чойин бири қайқайди, Иккиси сана фойдайди,

Учи басди,

Дўрти чўхди.

Чиктин беша,

Ўн-ўн беша

Чой нади, сой неди?

Бу сафар соқий Мурод Маҳмудов эди. Илк Тошкентда кўзга чалин-ганди, ёш, келишган, нутқи равон эди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Очиқ хавода бошланган мажлис ичилган шароб каби аста-секин томирларни қиздира бошлади. Қозок олими Алихон Минжонов шарафига қадаҳ кўтарилганда, соқий уни турк хоконлигидан қолган йигитларга ўхшатди. Ҳақиқатан ҳам, узун бўйли, барваста, юмалоқ юзли Минжонов тарихдан чиқиб келган кўктурк қахрамонларини эслатарди. Унинг юзидаги жиддий ифода Ўғуз хаёлида 621 йил воқеасини жонлантди. Ёмғир худди челақдан қўйгандай ёғаётган у омадсиз кунда, кўктурк эрлари бир қояга ёпишиб, селдан қутулишга ҳаракат қила-ётгандилар... “Кўртқоя қўлингни чўз!” дея бақирган йигит, балки, Минжонов эди. Созандалар ҳар кимни жўштирган эди. Билган-билмаган ўртага чиқиб, озарий рақсига оёғини мослаштиришга уринарди. Гулнор Ўғузни даврага тортди. Оёғи мусиқага тўғри келмаган Ўғуз, иложи борича чапак чалиб, Гулнорнинг рақсини томоша қилишга ҳаракат қиларди. Гулнор атлас қўйлақда бир хаёл каби эди. Бошини гоҳ ўнг, гоҳ сўл эгнига эгиб ва ҳар бош эгишида уч юз олтмиш даража турган жойида айланарди. Ва у пайт сочлари хавода учар экан, Ўғузнинг томирларида кон гўпиришга бошлади. Ярим қоронғулик Ўғузни доим сеҳрларди, аммо булунги ғира-ширалик бошқача эди. Бу кеча эртақ кечаси эди. Минг бир кеча эртақлари каби эртақ кечаси. Балки, ҳозир учаргилам келиб, иккисини узоқларга олиб кетар.

Мовий денгизлар-у, яшил ўрмонларнинг устидан. Аммо Ўғуз бошқа бир яшилликда эди, теран бир яшиллик. Ўзи ҳам сезмасдан мусиқага мослана бошлади оёқлари. Гулнорга яқинлашди. Қизнинг қўлини тутди, рақсда айланаркан, унга ёрдамлашди. Иккиси ҳам мусиқа қолипига тушгандилар. Энди тезлаша бошлаганди, мусиқа томом бўлди. Олқишлар янгради, ўртада иккисидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўришди. Соқий Мурод Махдиев оёқка қалқди: –Энди азиз кўноқлар, қадаҳларни шу ёш олимлар шарафига кўтарайлик. Бу ёшлар фақат олим эмас, уста санъаткор эканини ҳам намойиш қилишди ҳозир. Ўзбекистондан келган норин қизимиз билан Туркиядаги ошиқ Карим юрти Арзурмдан келган навқирон дўстимиз турк дунёсининг икки учини бир ўрмонда бирлаштирдилар. Қадаҳларимизни улар тимсоллаштирган турк дунёси учун кўтарамиз. Гўкёй хўжа “браво” деди ва олқиш кўтарди. Хайдар Саидзода: –Бунга тик туриб ичиш керак, – дея ҳаммани оёққа қолдирди. Ўғуз турк дунёсининг ҳақиқатан ҳам бирлашувига ишона бошлаганди. Кечаси соат икки яримда Бокуга қайтиб келишди.

ГУЛНОР (роман)

Эртаси кун гуруҳларга айрилиб, Боку бозорини айланишди. Эрийгит хўжанинг Исмоил Элмонли ва Хайдар Саидзода билан бирга кетиши Ўғузни севинтирди. Анвар Мурод ҳам улар билан бирга эди. Ўғуз, Гулнор ва Сўнар Ойдамирга Шомил Алиев “раҳбарлик” қиларди. Қайси витринга карасалар, Шомил дарров қўлини киссасига тикиб, меҳмонларни қизиқтирган нарсани олишни истарди. Сўнар хўжа бўлмасайди, Ўғуз жуда қийналган бўларди. Сўнар хўжа этнографик ашё мухлиси эди, бир тор, ноғора ва болобон олди. Бутун тазйиқларига қарамай, Алиевнинг пулини олмаганди. Бир дўконга кириб: –Бок, Шомил, шу дўкондан бизга биттадан ҳадя ол, қолганини ўзимиз ҳам оламиз, келишдикми? – деди Сўнар хўжа. Шомил Алиев ноилож эркакларга биттадан пичоқ, Гулнорга эса бир рўмол олиб, “тазйиқлари”ни тўхтади. Эртаси кун чамадонларини отел олдига туширишда, уларни кузатиш учун Ваҳобзоданинг ҳам келганини кўришди. Ваҳобзода қўлидаги катта пакетни Махмат Эрийгитга узатиб: –Бок, Махмат муаллим, Анкара турк дунёсининг қалбидир. Сен у ерга кетаяпсан. Аминман-ки, бизни ёдингдан чиқармаяжаксан. У ерда менинг дўстларим бор, ҳаммасига мандан салом айт. Бокудан айрилмоқ жуда фироқли бўлди. Ваҳобзода меҳмонларни бир-бир бағрига босиб хайрлашди. Аббос Замонов шоша-пиша ҳар кимни уч марта ўпарди. Эрийгит хўжа профессор Элмонли ва Саидзодадан айрила олмай турарди. Гулнор бир кун кейин Тошкентга кетиши керак эди, меҳмонларни кузатиш учун ҳаво майдонига келди. Ҳаммани кучоқлади. Ўғузга: –Исмоилли оқшомини унутма, – деди. Ўғуз: –Бундан бошқа кунларимиз ҳам бўлажак. Энди мутлақо Туркияда кўришамиз, – деб жавоб берди. Учоқ мовий денгизни, мовий денгиз ичида оқ кўпикни ва салқин шабабада учишган қора сочларни орқада қолдириб, Москвага учди. Академия меҳмонхонаси ресторанида ўтган охири кеча кизик бўлди. Тўладан келган официант хотиндан “шампанский” сўрашганди, хотин: –Шампанского нет, – деб, меҳмонларнинг кайфини туширди. Аммо Ўрхон Нодийнинг топган чораси меҳмонларнинг кайфини яна кўтарди. У хотинга Суат Сарварўғлининг фамилияси Шампанский эканини айтди. Хотин катта ҳурмат кўрсатиб Суатнинг қўлидан тутиб, музхонага етаклади ва ундан икки шиша “шампанский” олиб берди. Суатнинг дўстлари бу воқеадан кейин уни “шампанский” деб чақира бошлашди.

1993 йилнинг баҳори эди. Махмат Эрийгит Арзрум учоғида Ўғузни илк учратган кунларини эслади. Тошкентга қилган у саргузаштли саёҳатдан кейин етти йил ўтганди. Озарбойжонда, Исмоилли ўрмонидаги оқшом зиёфатида Ўғуз билан Гулнорнинг рақси ҳамманинг диққатини тортганди. Махмат бу рақсинг уларни яқинлаштирганини англаганди. Қизик, Ўғуз Гулнор билан бу орада хабарлашганмикин? Март ойида Анталияда ўтган Турк Дунёси курултойига Анвар Муродни ҳам Гулнорни ҳам чақириб, олиб келишолмади. Курултойдан уч ой аввал Тошкентга қилган саёҳатида турклар ёзувчи Махмат Маъруфнинг уйида меҳмон бўлишганди. Турк дунёси шарафига қадаҳ кўтаришса-да, Анвар Мурод ҳақида гапиришдан чекинган эдилар. Профессор Турғут Дениз Анвар Муроднинг уй хибсида тутилганини эшитганди. “Бирлик” ҳаракатини, кейинроқ Анвар Мурод қурган партия ҳақидаги хабарлар ҳам Туркияга келганди. Аммо ҳеч ишларинг бу қадар чигаллашиб кетажанини тахмин қилмаганди. Махмат Маъруфнинг ҳам Авар Муродни кўриш маҳол эканини айтгандан сўнг меҳмонлар бу ҳақда гапиришдан тўхтадилар. Ўн беш кун аввал профессор Бакир Алпэрдан келган кўнғироқ Махмат хўжани севинтирди. Ўғузнинг докторлик иши имтиҳонига Махмат хўжани даъват қилди. Мана, энди Арзрум учоғида ўша маросимга учапти.

Йигирма олти йил аввал экспресс поезд билан қилган Арзрум сафари эсига тушди хўжанинг. 1967 йил ёзида Онадўлининг ўртасида кўрилган бу университетда ўтиши керак бўлган докторлик синови маслак ҳаётининг бошланғичи эди. Суад, Туғрул, Сомий ва Махмат Турк тили ва адабиёти бўлимнинг янги ассистентлари эди. Махмат қачон доктор, қачон доцент бўлиши керак бўлган саналарни дафтарга ёзиб, зинаполярдан режали шаклда кўтарилиб борди. Сомий хорижий синовлардан ўтиб, Олмонияга кетди. Махматга энг яқин дўст Туғрул Ойхон бўлди. Иккиси ҳам тил бўйича ассистент, бир хонада ўтиришарди. Туғрул Махматнинг кўз ўнгидан ўчиқ бир силует каби жонланди. Хизирўғли Мустафо бир бегнинг ўғли эди. Унинг ола-була оти бор эди. Арзрум ва Карс вилоятларида қаҳвахоналар ҳали ҳам оғзаки ижоднинг яшаган марказлари эди. Измирдаги Ашрофпошода Франк Синатронинг, Бобби Дорнинг музикаларида тарбияланган Махмат учун Хизирўғлини тинглаш алоҳида завқ эди. Ошиқлар (бахшилар)нинг бир фарқи бор эди.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Кир ювиш воситалари, кимёвий моддалар, пардоз ва

бадан парвариши махсулотлари

Инсон ҳаётида микробларнинг аҳамияти катта. Микроблар ҳавони, сувни тозалайди, бойитади ва тупроқнинг самарадорлигини оширади. Микроблар ўлик киши, ҳайвон ва ўсимликларни чиритиб, дунё юзини тозалайди. Кишиларнинг ва ҳайвонларнинг тери-туқларини ва ўсимликларни тозалайди; барча жонли нарсаларни турли касалликлардан сақлайди; дунёдаги яшаш суратини мувозанатда ушлаб туради.

Ҳар бир микробнинг вазифаси аниқ, нозик ва фарқлидир-ки, инсонлар уларни асло бажара олмайди. Микроблар шу даража муҳим мавжудотлар-ки, бир онда ҳаммаси йўқолса, дунё баъзи олимларнинг фикрича фақат 15-20 дақиқа, баъзиларнинг фикрича 1 соат яшай олади холос.

Биологлар “*Фаришта деган мавжудотлар, балки, бу микроблардир*”, дейишмоқда.

Бугунги кунда микробларга уч томондан бирдан ҳужум қилинмоқда:

1. Антибиотик, сульфаниламид каби антимикробиял моддалар, стерилизация ишлари, кир ювиш воситалари ва кишлоқ хўжалик дорилари микробларни тўғридан-тўғри ўлдирди ёки кўпайишини тўхтатади.

2. Ёғларнинг гидрогенланиши, егуликларга қўшилган сақловчи қўшимча моддалар ва хушбўй хидлар егуликнинг таркибини бузиб, микроблар ея олмайдиган ҳолга келтиради; озикланиш ва кўпайишларига тўсиқ бўлади.

3. Микробларга қарши эълон қилинган энг хавфли ва кенг қўламли уруш нанотехнология ва ген технологияси ишлаб чиқарган моддалар ёрдамида олиб борилмоқда. Бу урушда микробларни улар истеъмол қиладиган ўсимликдан маҳрум қилмоқдалар.

Микробларга қарши очилган бу уруш микроблардан кўра инсонларга зарарлироқдир. Хлорка, идиш-товок тозаловчи порошоклар, ёғ ва кир кетказувчилар, оқартирувчи, юмшатувчилар органик қолдиқ ва микробларни қандай эритиб, йўқ қилса, жигар ва мия хужайраларга ҳам худди шундай зарар бермоқда.

Нафас олиш йўли билан баданга кирган кимёвий моддалар мия томирларини, ўпкадаги бронхларни ва алвеолаларни эритади, яроқсиз ҳолга келтиради, шиширади ва қонга аралашади. Қон айланишининг бузилиши, томир деформациялари, MS, алзгеймер каби оғир мия касалликларига, ўпка, жигар, буйрак касалликларига ва, бундан ташқари, бепуштлиқка замин тайёрлайди.

Кимёвий кир ювиш воситаларига муқобил восита сифатида тақдим этилаётган, ген технологияси воситасида ишлаб чиқарилган “бутунлай табиий” ва “соғлом”

деб иддао қилинаётган, ҳатто суви гулларга тўкилганида, уларни яшнаган, ўсимликли кир ювиш воситалари кимёвий кир ювиш воситаларидан ҳам хавфлидир. Улар мутацияга ва саратонга (ракка) сабаб бўлади.

Бу тозалаш моддаларини қўллаган кишилар жонсиз, ҳолсиз, ҳиссиз, гормон мувозанати бузилган, хотираси заиф, паришонхотир, тушунчаси бузук, бахтсиз, депрессив, ранги сариқ ёки қони йўқ кишидек, сочлари синувчан ва сийрак, тирноқлари жигарранг ёки бинафшаранг бўлади.

Шундай бўлиши табиий. Бу - бизга Аллоҳ томонидан хизмат қилиш учун юборилган мавжудотлар бўлмиш микробларнинг ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиб, уларни ўлдирганимиз учун олганимиз жазодир.

Кир ювиш воситалари фақат кир ювиш машиналарида минимал микдорда қўлланилиши мумкин. Машинага “детержан” қўяётганда бурун мато билан ёпилиши керак. Кирни қўлда ювишда парфюмсиз, бўёқсиз, табиий совун қўлланилади. Уйни тозалашда араб совуни ҳамда тупроқ, қум қўлласа бўлади.

Бадан ва қўлларни ювишда ҳар сафар совун ишлатиш шарт эмас.

Теримиз устида яшаётган ва унинг соғлигини сақлаш вазифасини олган микроблар бу ишни биздан яхши бажаради. Биз бўлар-бўлмасга совун қўллаётгансиз, бу микробларнинг ишига ҳалақат ва зарар берган бўлаемиз.

Аслида, сув ва тупроқдан яхшироқ тозаловчи йўқ. Чунки бизни ва муҳитимизни ифлослатувчилар модда ёки микроблар эмас, балки салбий энергиядир. Салбий энергияни эса кир ювиш воситалари эмас, балки тоза сув ва тупроқ йўқ қилади.

Ер юзидаги барча жонотлар - инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ҳавода, сувда ва тупроқда қолдиқлар қолдиришади.

Бу қолдиқларни ўзгартириб, фойдали ҳолга келтириш учун мукамал бир Экологик Тизим яратилган. Бу тизим шарофати билан экологик мувозанат бузилмаган, инсон кирмаган ўрмонларда бизни иргантирадиган бирорта қолдиқ кўрмайсиз

Инсон ёки ҳайвон жасадида аввал ҳашорат ва пашшалар келади. Улар ўзларига оид ризкни тугатиб, жасадни навбатдаги борлиқлар учун ҳозирлаб кетишади. Сўнг, қуртлар айни шаклда ўз ризкларини еб, жасадни бактерияларга қолдиришади. Охириги ишига бактериялар қилади ва улардан фақат суяклар соч ва тирноқлар қолади.

Шу шаклда ер юзи жасад ва ўлик организмлардан тозаланади.

Замонавий инсон таом, ичимликлар ва пардоз-андоз воситаларидаги сақловчи моддалар ва кимёвий дорилар билан ўзини мумиёлаб

ташлаган. Шу боис, сўнгги йилларда Европада баъзи кабрстонлардаги жасадлар чиримай ётибди.

Чунки ҳашорат, пашшалар, қуртлар ва бактериялар жасадларни чиритмай, тупроққа аралаштирмай қўйишган.

Бироз вақт ўтсин, табиий жойларни ифлослантган кимёвий(сақловчи) қўшимча моддалар ва дорилар туфайли ҳайвонларнинг жасадлари ҳам чиримас ҳолга келажакдир.

Бошқа томондан, ҳашорат, пашша ва бактерияларга қарши қўлланилаётган кимёвий моддалар экологик мувозанатни таъминловчи бу мавжудотларнинг наслларини тугатмоқда. Бу ҳолат давом этаверса, ҳашорат, пашша ва бактерияларнинг насли қуриб, дунё ўлиқлар балчиғига айланади ва экологик қиёмат қўпади.

Демак, кир ювиш воситалари, кишлоқ хўжалик дорилари, антибиотик ва қўшимча моддалар қўллаган киши “экологик қиёмат”ни ўз қўли билан қўптирмоқда.

Сунъий хушбўй хидлар (ароматлар)

Сунъий хушбўй хидлар (ароматлар) нозик модда бўлгани учун сўлак безлари, нерв тизими ва руҳга тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Инсон мияси фикрни, кўз кўрган ва қулоқ эшитган нарсаларни назорат қила олади. Ўз фитратига уйғун нарсаларни қабул қилиб, қолганини рад қилади.

Фақат мияда хидларнинг таъсирини бошқара оладиган ускуна йўқ. Шу боис, хидлар ҳеч бир тўсиққа учрамай, тўппа-тўғри инсон руҳига таъсир қилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига кўра, баъзи хидлар фаришталарни чақириб, ёвуз руҳларни қувади. Масалан, исриқ, мушк, анбар, гул, райхон, хина хидлари фаришталарни чақиради.

Баъзи хидлар эса ёвуз руҳларни чақиради, фаришталар у хидларга дош бера олмай, у ердан узоклашадилар. Спирит, сигарет, сийдик, ит хиди, ўлимтик, қон каби нажас моддалар ва баъзи ўсимликлар хиди шулар жумласидан. Авваллари хидлар табиий йўллардан олинарди. Масалан, мушк хиди - кийикларнинг жинсий безларидан, гул, фиалка, лаванда, ясмин, атир хиди - тўғридан-тўғри ўсимликлардан олинар эди.

Бугун косметик ва баданни озикланттирувчи моддалар, озик-овқат махсулотларида табиий ароматлар ўрнига хид ва таъм берадиган “табиий”га яқин ароматлар қўлланилмоқда. Ген технологияси ва нанотехнология воситасида мушк, гул хиди, сарёғ, сут ва қатик хушбўй хидлари, қайта ишланган гўшт, турли асал, қаҳва, қўзиқорин, апельсин, қулупнай, нок каби мева ва сабзавот ароматлари, ялпиз, долчин, занжабил, дарахт сақичи каби қоразираторлар арзон йўл билан кўпайтирилмоқда.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Табиий ўсимликлардан табиий йўллар билан олинган ва “эссенциал ёғ” ёки “хавога тарқалувчи ёғ” номли ҳидли ёғлар юз йиллардан бери кўрқув, андиша, стресс, депрессия каби руҳий муаммоларни, бош оғриғи, хузурсизлик ва тери касалликлари каби жуда кўп муаммоларни даволашда қўлланиб келинмоқда.

Масалан,

- Гул ёғининг хиди туғиш жараёнида туғишнинг осон кечишини таъминлайди.

- Атлас кедри, тафарик, яминнинг агир тарқатувчи ёғлари руҳий муаммоларни кетказувчи, асаб таранглигига барҳам берувчи, тинчлантирувчи, мувозанатни сақловчи ва кучли антидепрессантлардандир.

- Ямин ёғи хиди руҳий толиқиш, жинсий хоҳишсизликни кетказди, сезувчанликни орттиради ва аёллик кучини орттиради.

Ҳидларнинг даволаш йўлида ишлатилиши ва жиддий муаммоларни еча олиши ҳидлар инсон мияси ва баданига қандай қатта таъсирга эга экалигини кўрсатмоқда. Шундай экан, ҳидларнинг бу қадар кучли таъсирга эга эканлигини ҳисобга олсак, бугунги кунда табиий”га яқин ароматлар ғирт тескари таъсир кучига эга.

Яъни арзимас кўринган бу аромат киши мувозанатини бузади, уни депрессияга ёки турли касалликларга мубтало қилади.

Парфюмерия, крем, помада, соч желеси, соч бўёғи, соқол олиш материаллари, дезодорантлар, макияж материаллари каби пардоз маҳсулотлари; шампун, лосьон, совун, тиш пастаси, куёш креми, гигиеник нарсалар, тайёр латталар, болаларнинг тагликлари ва терликларида минглаб кимёвий ва синтетик моддалар бор. Бу моддаларнинг 60% қон айланаш тизимига аралашиб, қон ва тўқималарга қоришади. Бадандан чиқмаган бу кимёвий моддалар гормонал тизим, мия ва рух-бадан мувозанатига таъсир қилиб, жинсий аъзоларнинг ҳароб булиши ва бепуштлиққа олиб келади, ҳомиладорлик, туғиш ва эмишида муаммолар келтириб чиқаради, саратон ва шу каби касалликларни келтириб чиқаради, аллергияларга ва мутацияларга сабаб бўлади.

Масалан, косметика ва баданни парваришlash маҳсулотларида чидамлиликни таъминлашда энг кўп қўлланган мода парабенлардир, яъни метил, этил, пропилен, бутил парапенлар ва натрий бензонатлардир. Парабенлар тиш пастаси, шампун (болалар шампуни ҳам), крем, куёш креми, соч желеси каби маҳсулотларда қўлланилади. Парабенларнинг кимёвий таркиби астроген гормонига ўхшайди.

Аёллар танасида йиғилган парабенлар астроген каби ҳаракатланиб, кўпайиш органарининг бузилишларига, кўкрак ракига,

эндрометриоз, кисталарга, бепуштлиқ ва туғишдаги камчиликларга сабаб бўлади. Эркактар танасида йиғилган парабенлар маний(дўли, сперма)нинг зарарланишига ва ўлишига, простата ракига, эндрометриозга замин тайёрлайди. Бу моддалар шунингдек, терининг қизариши, шишиши, кичиши ва оғришига сабаб бўлади.

Косметика ва баданни парваришlash моддаларида кўп қўлланилган метионин, лард, керактин, желатин, глицерин (глицерол), гидролиз протеин ва шунга ўхшаш моддалар тирноқ, қил, қон, ўлик уй ҳайвонлари ва чўчка маҳсулотларидан тайёрланишининг эҳтимоли қатта.

Совун, шампун, крем, парфюм, дезодорант, тиш пастаси, кир ювиш воситалари, тайёр ейиш ва ичиш маҳсулотларида бу турдаги ароматлар мавжудиги сабабли уларни қўллаганимизда таҳоратимиз йўқолиши-йўқолмаслиги, еб-ичган нарсаларимизнинг ҳалол-ҳаромлиги аниқ эмас.

Касалликларнинг бошланиши ва ривожланиши

Статистик маълумотларга кўра, ўлимларнинг биринчи сабаби ўлкага қараб ўзгаради. Масалан, Туркияда ўлимларнинг биринчи сабаби - автофалокатлар, ривожланган мамлакатларда - саратон, ривожланмаган давлатларда - очликдир.

Мия ва юрак қон томирларидаги бузилишлар билан боғлиқ ўлимлар эса дунёда иккинчи ўринда туради.

Бизнингча, кейинги йилларда пайдо бўлган, туғма бўлмаган касалликлар - қонунга мувофиқ - бир хил тарзда ривожланмоқда:

- Нотўғри яшаш тарзи, янглиш озикланиш ва захарли моддаларни (қўшимча озик-овқатлар, тиббий дорилар, баданни парваришlash моддалари ва кир ювиш воситаларини) ишлатиш натижасида ҳазминг бузилиши ва қолдиқ моддаларнинг томир ва тўқималарда бириқиши;

- Бунинг оқибатида жигар тўқималарининг токсик моддалардан таъсирланиши сабабли юзага келган сурункали токсик гепатит;

- Бунинг натижасида томирларнинг тикилиб қолиши ва қон айланишида юзага келган бузилишлар;

- Бунинг натижасида аъзо тўқималарининг бузилиши ва гормонал тизимда юзага келган мувозанатсизлик;

- Бунинг натижасида аъзо функцияларининг бузилиши ва иммунитет тизимида ҳосил бўлган мувозанатсизлик оқибатида юзага келган касалликлар.

Бу вазиятда, кўриб турганингиздек, томир касалликлари – биринчи ўринда, ҳалокатлар - иккинчи ўринда турибди. Саратоннинг сабаби ҳам барча касалликларнинг сабабига

ўхшагани учун у ҳам биринчи ўринга қиради.

Ривожланмаган давлатлардаги “очликдан ўлим” эса шубҳалидир. У давлатларда халқ очликдан эмас, “инсонпарварлик ёрдами” сифатида жўнатилган, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ва муддати ўтиб кетган тайёр маҳсулотларни еганлари сабабли, эмлаш ва тиббий дориларга қўникмаган ҳолда, уларни истеъмол қилганларидан касалланиб, ўлмоқда. Аслида, бу ўлимларни “фалокат ўлимлари” синфига киритиш керак.

Иммунитет тизими танани токсин, бегона моддалар, кимёвий аралашмалар, дорилар каби жонсиз моддалардан, вирус ва бактериялар каби жонли антигенлардан муҳофаза қилади, уларни танийди ва йўқ қилади.

Иммунитет тизимининг зарарли моддалар (антигенлар) тананага киришининг олдини оловчи ташки ва ички тўсиқлари бор. Ташки тўсиқлар тери, оғиз-бурун суюқликлари, ошқозон кислотаси, йўтал, кўзёши ферментлари ва тер. Соғлом танада зарарли моддалар ташки тўсиқлар томонидан тутилиб, ичкарига қўйилмайди. Антигенлар ташки тўсиқларни ўтишни удаласа, иммунитет тизимининг ички тўсиқлари томонидан хужумга учраб, йўқ қилинади.

Бола 6-12 ойликдан эътиборан турли антигенларга дуч келганда, унинг иммунитет тизими ривожланади. Бу иммунитетга “ўлжа иммунитет” дейилади.

“Ўлжа иммунитет” лимфоцит номли оқ антикор ишлаб чиқаради. Антикорлар зарарли моддаларга (антигенларга) ёпишади ва антигенларни осонликча парчаланадиган ҳолга келтиради. Қондаги лейкоцитлар эса парчаланишига тайёр ҳолга келган антигенларни кетказиб, йўқ қилади. Баъзи лимфоцитлар эса зарарли моддаларга зарба беради. Лимфоцитлар ҳар қандай касалликка қарши мудофа йўлларини йиллар давомида маълумот сифатида сақлайди.

Шу тарзда иммунитет тизими айни касаллик билан ёки антиген билан тақдор учрашганда тез суръатда ва самарали жавоб беради.

Иммунитет тизимининг антигенларга қарши таъсири кучли бўлса, ҳар қандай касалликка қарши мудофаа ҳозир бўлади. Қарши таъсир етарли даражада бўлмаса, аллергия ва анафилаксия пайдо бўлади, турли касалликлар келиб чиқади.

Ойдин СОЛИХ
“Ҳақиқий Тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Муштакил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир **Қамолдин Йўлдош**